

**«JAHON SAVDO KOMPLEKSI» акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши
Б А Ё Н И**

Андижон шаҳри
Найман кўчаси 69 уй

2025 йил 28 июн.
соат 11.00

Акциядорлик жамиятининг жами акциялари сони 1 650 000 дона
Акциядорлик жамиятининг жами овоз бериш ҳуқуқига эга акциялари сони 1 650 000 дона.

Йиғилишда 1373372 та овозга эга 2 нафар акциядорнинг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилиш ваколоти 83,23 фоиз.

Й И Ё И Л И Ш Х А Й Ё А Т И.

1. Имамов А. – Андижон шаҳар ҳокимлиги вакили

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботи.
2. Жамият бошқарувининг 2024 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи.
3. Жамиятнинг 2024 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик текшируви ҳулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича фойда тақсимотини тасдиқлаш.
6. 2025 йил учун жамият Бизнес режасини тасдиқлаш.
7. 2025 йил учун жамият аудиторини танлаш ва максимал хизмат ҳақини белгилаш.
8. Жамият аффилиган шахслар билан битим тузиш тугрисида.
9. Жамиятда 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тўғрисида.
10. Ўрни бўшаб қолган кузатув кенгаши аъзоллигига сайлов.

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан жамият қимматли қозғалар бўйича мутахассиси Р.Хуруллаев сўз олиб, 2024 йил давомида жамият Кузатув кенгаши томонидан олиб борилган ишлар, қабул қилинган қарорлар билан йиғилганларни таништирди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

Ўқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 2 - масала юзасидан сўз жамият бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Х.Мамарасуловга берилди. У йиғилганларга жамият бошқаруви томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлар юзасида ахборот берди. (Бошқарув раиси маърузаси илова қилинади)

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамият бошқарувининг 2024 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 3 ва 4 масалалар юзасидан жамият бош ҳисобчиси сўз олиб, 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. 2024 йил давомида жамиятнинг хўжалик молиявий фаолияти “Аудит Алфа” МЧЖ томонидан аудитор текшируви ўтказилганлиги ва ижобий хулоса берилганлигини айтиб йиғилганларни аудитор томонидан берилган хулоса билан таништирди. (Аудитор хулосаси нусхаси илова қилинади.)

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятнинг 2024 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 4-масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси йиғилганларни 2024 йил якуни бўйича тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар билан таништирди. Ушбу бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар ҳисоботларини тўғрилиги “Аудит Алфа” аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганлигини айтиб ўтди. (2024 йил учун тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот нусхаси илова қилинади).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 5 – масала юзасидан йиғилиш раиси А.Имамов сўз олиб, жамият 2024 йил якуни бўйича 803 313 900 сўм соф фойда олганини ушбу фойда “Аудит Алфа” аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганлиги ҳақида гапириб кузатув кенгаши ушбу соф фойдани ҳамимасини акциядорларга дивиденд килиб беришни яъни ҳар бир акцияга 486,85 сўмдан дивиденд ёзишни умумий йиғилишга тавсия қилганлигини айтди. А.Имамов сўзида давом этиб “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси конунинг (Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 3 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2024 йил 18 декабрда маъқулланган) 3-боб 12-моддасида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2025 йилнинг 1 июлига қадар 2024 йил яқунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги

бюджетларга ўтказилади.” - деб кўрстилганлигини инобатга олиб олинган соф фойданинг 50.0003 фоизини яъни 401 659 500,0 сўмини дивиденд қилиб беришни бунда ҳар бир акцияга 243,43 сумдан дивиденд ёзишни, соф фойданинг 34,9997 фоизини яъни 281 157 315,0 сўмини жамиятни ривожлантириш учун, соф фойданинг 10,0 фоизини яъни 80 311 390,0 сўмини жамият Кузатув кенгаши ва корпоратив маслаҳатчиларини рағбарлантириш учун қолган 40 165 695 сўм маблағни жамият бошқарувини рағбарлантириш таклифини киритди.

Ушбу масала юзасидаги сўзга чиққан йирик акциядор вакили С.Мамуров соф фойда тақсимоти бўйича кузатув кенгаши таклифини мақуллашини билдирди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган 803 313 900 сум соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 1. 401 659 500 сўми ёки соф фойданинг 50.0003% сўми акциядорларга дивиденд қилиб берилсин бунда ҳар бир акцияга 243,43 сўмдан дивиденд ёзилсин;*
- 2. 281 157 315 сўми ёки соф фойданинг 34.9997 % жамиятни ривожлантириш учун;*
- 3. 80 311 390 сўми ёки соф фойданинг 10.0 % жамият Кузатув кенгаши ва корпоратив маслаҳатчиларини рағбарлантириш учун;*
- 4. 40 165 695 сўми ёки соф фойданинг 5 % жамият бошқарувини рағбарлантириш учун;*

Ёқлаб:- 841500 дона акциялар ёки 61.27 фоиз;

Қаршилар:- 531872 дона акциялар ёки 38.73 фоиз;

Бетарафлар:- йўқ.

Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган 803 313 900 сум соф фойдаси ҳаммаси акциядорларга дивиденд қилиб берилсин бунда ҳар бир акцияга 486,85 сўмдан дивиденд ёзилсин:

Ёқлаб:- 531872 дона акциялар ёки 38.73 фоиз;

Қаршилар:- 841500 дона акциялар ёки 61.27 фоиз;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 6-масала юзасидан сўзни жамият йигилиш раиси олиб йиғилганларни жамият бошқаруви томонидан 2025 йил учун тузилган жамиятни ривожлантириш “Бизнес режа” си билан таништириб ушбу “Бизнес режа” қонун талабларига мувофиқ жамият кузатув кенгаши томонидан 2024 йилнинг 29 ноябр куни кўриб чиқиб тасдиқланганлиги айтиб акциядорлардан ушбу масала юзасидан қўлларга тарқатилган бюллетенларда ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамият бошқаруви томонидан 2025 йил учун тузилган “Бизнес режа” тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар:- йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 7-масала юзасидан сўзни жамият қимматли қоғозлар мутахассиси Р.Хуруллаев олиб йиғилганларни 2024 йил хужалик-молиявий фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича бир нечта аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушганлигини айтди ва йиғилганларни келиб тушган таклифлар билан таништирди. (Аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган тижорат таклифлари илова қилинади).

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

1. «Аудит Алфа» аудиторлик ташкилоти (хизмат ҳақи 12 000 000 сўм)

Ўқлаб: - йўқ;

Қаршилар:- 1373372 дона акциялар ёки 100,0 фоиз;

Бетарафлар:- йўқ.

2. «Feniks Finance» МЧЖ аудиторлик ташкилоти(15 000 000 сўм)

Ўқлаб: - йўқ;

Қаршилар:- 1373372 дона акциялар ёки 100,0 фоиз ;

Бетарафлар:- йўқ

3. «Asr Audit» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (11 000 000 сўм)

Ўқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар: - йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

2025 йил учун жамият аудитори этиб «Asr Audit» аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин унинг хизмат ҳақи 11 000 000 (ун бир миллион) қилиб белгилансин

Кун тартибидаги 8 - масала юзасидан сўз йиғилиш раиси А.Имамовга берилди. У уз сузида жамиятга аффилиланган шахс ҳисобланган М.Мамуров жамият кузатув кенгашига мурожаат қилиб жамият ҳудудида замонавий расталар қуриш учун рухсат сурағалигини айтиб сузни М.Мамуровга берди. М.Мамуров ўз сўзида йиғилганларни жамият ҳудудида замонавий қурилишдаги растараларни қурилиши вилоятда фаолият курсатиб келаётган миллий хунармандларга ўз махсулотларини сотишда берадиган имкониятлар ва бу соҳани ривожланиши вилоятда ички ва ташқи туризмни ривожланишига қўшадиган ҳиссалари тугрисида гапирди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан йиғилиш раиси ҳозирда жамият ҳудудида ҳар қандай қурилиш ишлари тўхтилганлигини инобатга олиб бу масалани қурилишга рухсат бўлгандан сўнг Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тартибларга мувофиқ кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш вазифасини Кузатув кенгашига юклалаш таклифини киритди.

Таклиф мақулланди

Жамиятга аффилиланган шахс ҳисобланган М.Мамуровга жамият ҳудудида қурилиш ишларига рухсат бериш масаласи жамият ҳудудида қурилиш ишларига рухсат берилдгандан сўнг Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тартиб ва қоидаларга асосан қуриб чиқиб қарор қабул қилиш юклатилсин.

Ўқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршилар: - йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 9-масала юзасидан жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Р.Хуруллаев сўз олиб, жамиятда 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш “ИДРОК” МЧЖ томонидан амалга

оширилганлигини айтиб “ИДРОК” МЧЖ томонидан берилган хулоса билан йиғилганларни таништирди.

Муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Жамиятда 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

Ёқлаб:- 1373372 дона акциялар ёки 100 фоиз;

Қаршиллар: - йўқ;

Бетарафлар:- йўқ.

Кун тартибидаги 10– масала юзасидан йиғилиш раиси жамият кузатув кенгашига Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан тавсия қилиниб сайланган А.Юлчиевнинг бошқа ишга ўтганлиги сабаб Андижон шаҳар ҳокимлиги унинг ўрнига А.Имамов яъни ўзининг номзодини таклиф қилганлиги ҳақида гапирди ва йиғилганларда юқоридаги масалалар юзасидан қўлларига тарқатилган бюллетенларда ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб акциядорларнинг умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

- 1. Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.*
- 2. Жамият бошқарувининг 2024 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.*
- 3. Жамиятнинг 2024 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик текишируви ҳулосаси тасдиқлансин.*
- 4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича тузилган Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.*
- 5. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган 803 313 900 сум соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:*
 - 5.1. 401 659 500 сўми ёки соф фойданинг 50.0003% сўми акциядорларга дивиденд қилиб берилсин бунда ҳар бир акцияга 243,43 сўмдан дивиденд ёзилсин;*
 - 5.2. 281 157 315 сўми ёки соф фойданинг 34.9997 % жамиятни ривожлантириш учун;*
 - 5.3. 80 331 390 сўми ёки соф фойданинг 10.0 % жамият Кузатув кенгаши ва корпоратив маслаҳатчиларини рағбарлантириш учун;*
 - 5.1. 40 165 695 сўми ёки соф фойданинг 5 % жамият бошқарувини рағбарлантириш учун йуналтирилсин.*
- 6. Жамият бошқаруви томонидан 2025 йил учун тузилган “Бизнес режа” тасдиқлансин.*
- 7. 2025 йил учун жамият аудитори этиб «Аср Аудит» аудиторлик таъшиқлоти тасдиқлансин унинг хизмат ҳақи 11 000 000 (ун бир миллион) сўм қилиб белгилансин.*
- 8. Жамиятга аффилиланган шахс ҳисобланган М.Мамуровга жамият мурожати жамият ҳудудида қурилиш ишларига руҳсат бўлгандан сўнг Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тартибларга мувофиқ қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш вазифасини юқлалатилсин.*
- 9. Жамиятда 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.*

10. Жамият Кузатув кенгаши таркибига Имамов Азизбек Хасан ўгли сайлансин.

11. Ушбу умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этиш вазифаси жамият бошқарувга назорати кузатув кенгашига юклатилсин.



Йиғилиш раиси:

А.Имамов

Йиғилиш котиби:

Р.Хуруллаев